

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Парламент хабарлари

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йил биринчи ярим йиллиги ижроси якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Анжуманда депутатлар, қатор вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишларини, шу жумладан, жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури муваффақиятли амалга оширилгани жорий йилнинг биринчи ярмида макроиқтисодий мувозанатни ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш имкониятини берди.

Кўрилатган чора-тадбирлар натижасида 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг 8,0, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,0 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 11,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг 6,9, қурилиш ишлари ҳажмининг 11,5, чакана товар айланмаси ҳажмининг 10,3, кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 10,9 фоиз ўсишига эришилди.

Фаол инвестиция сиёсати 7,1 трлн сўм миқдордаги инвестицияларни ўзлаштиришга имкон яратди. Жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан 1,3 баравар кўп ўзлаштирилди. Ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан модернизация қилиш бўйича 108 та лойиҳа ниҳоясига етказилди. Шунингдек, 529 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид кўрилган самарали чоралар натижасида ҳисобот даврида кичик корхоналар умумий сони (фермер хўжалиқларини ҳисобга олмаганда) 3,7 фоизга кўпайди. Ушбу ва бошқа омиллар ҳисобига жорий йилнинг биринчи ярмида 509,4 мингта иш ўрни яратилди. Шундан 350,1 мингдан ортиғи (68,7 фоизи) қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Тадбирда 2010 йилнинг биринчи ярмида Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари билан тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилганлиги ҳамда

Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилганлиги, инфляция даражаси прогноз параметрлар доирасида бўлганлиги таъкидланди. Шунингдек, ҳисобот даврида Давлат бюджетининг харажат қисмида асосий эътибор унинг ижтимоий йўналтирилганлигига, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлашга, бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақини, стипендия ва барча турдаги биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга, бюджет маблағларининг газна ижросини таъминлашга, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилди. Шу билан бирга, инвестиция дастури харажатларини бюджетдан молиялаштиришни оптималлаштиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги эътироф этилди.

Депутатлар ҳисобот даврида айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши, бюджет ва тўлов интизомига риоя этилмаганлиги, маблағларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликлар ҳамон мавжудлиги ҳақида ҳам айтиб ўтилди. Хусусан, улар дебитор-кредитор ва бюджет олдидаги боқимонда қарздорликлар «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг талаблари тўлиқ бажарилмаётганлиги оқибатида рўй бераётганлигини ҳам таъкидлашди.

Йиғилишда, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Соғлиқни сақлаш тизимида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ҳақида»ги ҳамда Молия вазирлигининг «Корхоналарда технологик жараёнларни рационализациялаш, материаллар ва энергия сарфини ҳамда бошқа сарф-харажатларни камайтириш ҳисобига маҳсулот таннархини камида 20 фоизга арзонлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг ижро этилиши ҳақида»ги ахборотлари ҳам эшитилди.

Қизғин баҳс-мунозараларда депутатлар бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар ва бу борадаги ишларни янада жонлантириш юзасидан амалий таклифларни билдирдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«Халқ сўзи», 2010 йил 25 августдаги 166 (5081)-сондан.



ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК, ЮРТИМ!

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин қириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 августдаги «Республиканинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 178-сон қарори билан 2010 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасалари харажатларини бир талабани ўқитиш харажатларидан келиб чиқиб норматив режалаштириш ва бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириш тартиби жорий этилди. Тартибда куйидагилар назарда тутилган: харажатларнинг базавий нормативидан келиб чиқиб ҳар бир олий таълим муассасаси учун бюджетдан молиялаштириш ҳажмини белгилаш; харажатларнинг базавий нормативларига олий таълим муассасалари таъминоти харажатларини, шу жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашга ва унга тенглаштирилган тўловларга харажатларни киритиш; харажатларнинг базавий нормативларини белгилашда талабалар тайёрлашнинг асосий йўналишларига қараб гуруҳларга бўлиш, шунингдек айрим таълим муассасаларида уларга тузатиш коэффициентларини қўллаш; олий таълим муассасаларига ажратилаётган бюджет маблағларидан оқилона фойдаланишдан уларнинг манфаатдорлигини ошириш, ушбу маблағлардан мақсадли фойдаланилиши учун масъулиятини кучайтириш ва бюджет интизомини мустаҳкамлаш.

2010 йил 1 ноябрдан бошлаб олий таълим муассасаларининг такомиллаштирилган намунавий штатлари амалга киритилади, улар бюджет маблағлари ҳисобига молиялашти-

риладиган олий таълим муассасаларининг маъмурий-бошқарув ва ёрдамчи ходимлари сонини мақбуллаштиришни назарда тутди.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР УЧУН НОРМАТИВЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 августдаги 179-сон қарори билан Андижон шаҳридаги футбол бўйича Ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчи-футболчиларини ётоқхона анжомлари, озиқ-овқат билан, шунингдек ўқувчи-футболчиларни ва мураббийларни спорт экипировкаси ва формаси билан таъминлаш нормативлари тасдиқланди. Ҳужжатда шунингдек мазкур мактаб-интернат учун зарур бўлган ўқув-машқ, спорт ва хўжалик ускуналари, анжомлар, замонавий компьютер техникаси, техника ва транспорт воситалари, шунингдек бошқа мол-мулклар рўйхати келтирилган.

ТАЯНЧ КОЛЛЕЖ МАҚОМИ БЕРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 августдаги 180-сон қарори билан Таянч касб-хунар коллежи ва унинг филиаллари тўғрисидаги низом тасдиқланди. Касб-хунар коллежларига таянч коллежлар мақомини бериш учун таянч коллежлар ўртасида танлов ўтказишда куйидагилар асосий мезонлар ҳисобланади: зарур моддий-техника базаси, юқори малакали педагог ходимлар мавжудлиги, энг мақбул жойлашганлик ва ётоқхоналар мавжудлиги. Ҳужжатда шунингдек таянч коллежлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, ўқувчиларнинг ўқув машғулотларида қатнашиши мониторингини

2-бетда

УШБУ
СОҒДА

2-бет
Васиятнома бўлишига қарамай...
\$1 = 1613,01 сўм

4-5-бетлар
Маслаҳатни юрист беради
€ 1 = 2067,01 сўм

6-бет
Ходим қачонгача синалиши мумкин?
£1 = 2508,88 сўм

7-бет
«Саволим лотерея ўйинига оид»
¥10 = 188,97 сўм

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

олиб бориш тартиби, коллежлар фаолиятини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг бошқа масалалари ҳам белгиланган.

ТОВАР ҚАЕРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН?

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 13 августда 2131-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Илгари мазкур соҳа ҳозирда ўз кучини йўқотган кўйидаги ҳужжатлар билан тартибга солинар эди: Товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш қоидалари (рўйхат рақами 787, 1999 йил 30 июль) ва Ўзбекистон Республикасида товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 945, 2000 йил 13 июль). Мазкур ҳужжатлардаги меъёрлар мантиқий жиҳатдан бирлаштирилиб, янги Низомга киритилган.

Илгари амал қилган Товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш қоидаларидан фарқли равишда янги ҳужжатда белгиланишича, бир гуруҳ мамлакатлар, мамлакатларнинг божхона иттифоқлари, минтақа ёки башарти, товар ишлаб чиқарилган жойни аниқлаш мақсади ажратиб кўрсатишни тақозо этса, бирор мамлакатнинг муайян қисми ҳам товар ишлаб чиқарилган мамлакат деб ҳисобланади. Янги Низомга биноан товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш бўйича экспертиза далолатномаси 1 нусхада (илгари – 2 нусхада) расмийлаштирилади ва ваколатли органда сақланади. Эндиликда қўлда босма ҳарфлар билан тўлдирилган, экспорт ёки реэкспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли органи томонидан гувоҳлантирилган сертификатни қабул қилишга рухсат этилади. Ҳужжатда товар келиб чиққан мамлакатни тасдиқлаш тартиби батафсил баён этилган (ариза шакли тасдиқланган, тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати белгиланган, рад этиш асослари ва бошқалар келтирилган).

2010 йил 23 августдан кучга кирди.

ҚУРУВЧИЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 16 августда 2133-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан «Қишлоқ қурилиш инвест» иқтисослаштирилган инжиниринг компанияси ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари билан яқка тартибда уй-жой қуриш доирасида улар томонидан амалга оширилладиган ишлар ҳажмлари бўйича пудрат ташкилотлари томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2010 йил 14 августдан 20 августгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 33-сон асосида тайёрланди.



низом тасдиқланди. Эслатиб ўтамиз, «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси 2014 йил 1 январга қадар барча турдаги солиқлар ва Республика йўл жамғармаси ҳамда бюджетдан ташқари Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод этилган.

Пудрат ташкилотлари ҳам 2014 йил 1 январга қадар кўйидаги тўловларни тўлашдан озод этилган:

солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бундан мустасно;

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно).

Кўрсатилган солиқ имтиёзлари фақат «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномалар бўйича фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартлари асосида яқка тартибда уй-жой қуриш доирасида амалга оширилладиган ишлар ҳажмлари бўйича қўлланилади.

Пудрат ташкилотларига божхона имтиёзлари инжиниринг компанияси томонидан берилладиган маълумотномага мувофиқ тақдим этилади. Маълумотнома товарларни эркин муомалага чиқариш режимига ўтказишнинг божхона расмийлаштируви вақтида тақдим этилади.

Бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатишни назарда тутмайдиган солиқларга оид ва божхона имтиёзлари тақдим этилганда солиқлар, божхонага оид ва мажбурий тўловлар бюджетга ҳисоблаб ёзилмайди ва маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) ва бошқа мол-мулкни сотиш (харид) қийматига киритилмайди.

2010 йил 26 августдан кучга кирди.

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2010 йил 19 августда 2135-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ойна ишлаб чиқариш ходимлари учун

меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тасдиқланди.

2010 йил 29 августдан кучга кирди.

ЯСТ ТўЛАШ ҲАҚИДА ЯНГИ НИЗОМ

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 2010 йил 18 августда 2134-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ягона солиқ тўловининг базавий миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Чунончи, 2010 йилнинг 1 июлидан бошлаб чакана савдо корхоналари, хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини (ЯСТни) қонун ҳужжатларига мувофиқ, лекин миқдори юқорида санаб ўтилган тоифадаги тўловчилар учун ЯСТнинг базавий миқдори сифатида аниқланадиган, айнан шундай фаолият турини амалга оширадиган яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаган миқдорда тўлайдилар. Базавий миқдор киритилиши муносабати билан тўланиши лозим бўлган ЯСТ суммасини аниқлаш учун тўловчилар ЯСТнинг базавий миқдорини; ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммасини ва ЯСТнинг қўшимча ҳисобланган суммасини ҳисоблаб чиқаришлари керак. Ҳисоблаб чиқарилган ЯСТнинг базавий миқдорини ҳисобланган ЯСТ суммаси билан солиштириш учун ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси Низомда белгиланган формула асосида бутун корхона бўйича аниқланади. Бир неча фаолият турини амалга оширувчи корхоналар учун белгиланган тартиб, агар ушбу фаолият тури қонун ҳужжатларига мувофиқ яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилиши мумкин бўлса ва унга, тегишинча, қатъий белгиланган солиқ ставкаси белгиланган бўлса, фақат асосий фаолият турига татбиқ этилади. Низом кўйидаги хизмат кўрсатиш соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга татбиқ этилмайди: ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлмаганларга; фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ фақат юридик шахс шаклида ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига; фақат юридик шахсларга лицензия берилладиган лицензияланадиган фаолият тури билан шуғулланадиганларга; ЯСТни тўлашдан озод бўлиш имтиёзига эга бўлганларга.

2010 йил 28 августдан кучга кирди.

МЕРОСГА КИМ ҲАҚДОРРОҚ?

Истиқлол йилларида ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган республикамиз қонун ҳужжатлари биринчи навбатда умуминсоний қадриятлар ва миллий анъаналаримизни ўзида мужассам этганлиги, уларда инсонпарварлик ғоялари устувор ўрин эгаллаши билан ажралиб туради.



Жамиятда мавжуд ҳар қандай муаммони қонуний ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоси қилиш учун ҳуқуқий асослар яратилган. Шу туфайли «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг яқинда аҳоли ўртасида ўтказган сўрови фуқароларимизнинг жамият ҳаётининг кўплаб жабҳаларида амалга оширилаётган ишлардан қониқиши ортиб бораётганини аниқлади. Жумладан, «...аҳолининг кўпчилиги (86,6 фоизи) фуқароларимизнинг қонунга, юзага келадиган барча масалаларни қонуний асосда ҳал этишга интилиши ортди, деб ҳисоблайди», дея хулоса чиқарилади Марказ ҳисоботида.

Нотариуслар амалиётида жуда кўплаб оилавий мижоз-ю мунозараларга дуч келинади. Айниқса мерос, ворислик масалаларида низолар тез-тез учраб туради.

Бундай низоли ҳолатларни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси қоидалари тартибга солиб боради. Кодексга биноан фуқаро вафот этган тақдирда, ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка тегишли ҳуқуқини тасарруф этиши тўғрисидаги хоҳиш ва ирода васият деб аталади.

Одатда, ҳар қандай ҳолатда мерос қолдирувчи томонидан ёзиб қолдирилган васиятнома мерос олиш ҳуқуқини берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Лекин шунга қарамай, Фуқаролик кодексининг «Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқи» деб номланувчи 1142-моддасида «Мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегишли лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар» деб белгиланган. Бу меъёр мерос қолдирувчининг ҳар қандай субъектив эҳтирос ва нуқтаи назарлардан келиб чиқиб ворисларни белгилаши олдини олади ва жамиятда ўринсиз баҳс ҳамда норозиликларга барҳам беради.

Аҳоли орасида ҳуқуқий саводхонликни ошириш мақсадида ҳуқуқ-тартибот ходимлари, хусусан, нотариуслар тарғибот ва ташвиқот ишларини фаол олиб борадилар. Маҳалла фуқаролар йиғинларида ўтказиладиган бундай тадбирларда ҳам баъзида мерос масалалари бош мавзуга айланиб кетади. Халқ билан бўлган ана шундай суҳбатларда мерос қолдирувчи фуқароларга бу борада оқилона фикр юритиш, инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиш хусусида тегишли маслаҳатлар бериб борилади.

Мавлуда МАНСУРОВА,
Шайхонтоҳур туманидаги 7-сонли давлат
нотариал идораси нотариуси.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҲҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	27.08.2010	1	0,8037	1	1,0221	1	0,062
Арманистон	26.08.2010	1	367,04	1	465,96	1	11,91
Беларусь	27.08.2010	1	3012,00	1	3833,07	1	97,72
Грузия	27.08.2010	1	1,8268	1	2,3224	1	5,9268
Қозоғистон	27.08.2010	1	147,15	1	186,78	1	4,77
Қирғизистон	27.08.2010	1	46,7107	1	59,2869	1	1,5232
Латвия	27.08.2010	1	0,553	1	0,702804	1	0,0179
Литва	27.08.2010	1	2,715	1	3,4528	10	8,8108
Молдова	27.08.2010	1	12,1999	1	15,4281	1	0,3949
Тожикистон	27.08.2010	1	4,3819	1	5,5723	10	1,4417
Ўзбекистон	24.08.2010	1	1613,01	1	2067,01	1	52,87
Украина	27.08.2010	100	789,00	100	1001,4777	10	2,5598
Эстония	26.08.2010	1	12,3221	1	15,6466	1	0,39961

Манба: www.prime-tass.ru

УШБУ СОНДА:

✓ УСТУВОРЛИКЛАР

- Давлат бюджети ижросига бағишланди
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Меросга ким ҳақдорроқ?
- Валюталар курси **1-2-бетлар**

✓ ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

- Қаерга мурожаат қила оламиз?
- БЮД нусхаси бўлгани яхши
- Имтиёзлар – фақат чет эллик инвестор учун
- МЧЖдаги улуш: сиздан бизга ўтди
- Эгаси бўлмаслигиниз мумкин,

бирок ишончнома бўлиши шарт

– Жавобгарлик мезони

3-5-бетлар

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ходим синов муддатида бўлганда – I: Меҳнат шартномасини тузамиз

– Пенсиями ёки ногиронлик нафақаси? **6-бет**

✓ МЕН – ИСТЕЪМОЛЧИМАН

- Жек-пот нега ўйналмаяпти
- Солиқлар оламида **7-бет**
- ✓ top **8-бет**

ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛА ОЛАМИЗ?

? Ягона солиқ тўлови тўловчиси бўлган МЧЖ (ХХТУТ коди 61110) давлат ташкилоти билан 2005 йил октябрда 25 000 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш тўғрисида шартнома тузди. Гарчи шартномада олдиндан 15% ҳақ тўлаш кўрсатилган бўлса-да, давлат ташкилоти раҳбарияти биз ишни тезроқ бошлашимизни илтимос қилди. Амалда иш 2005 йил ноябрда тўлиқ бажарилди, 24 800 минг сўмлик бажарилган ишлар қиймати тўғрисида Ф-3 шаклидаги маълумотнома-ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилди. Ф-2 шаклидаги бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси имзоланиб, ташкилотимиз муҳри билан тасдиқланди ва ишлар қабул қилинганлигини тасдиқлаш учун давлат ташкилоти раҳбариятига берилди.

Бироқ давлат ташкилоти раҳбарияти турли сабабларни ваҳ қилиб, ҳажми 2006 йил июлдагина тасдиқлади. 2006 йилда биз 24 800 минг сўмни ҳажмга киритдик ва бошқа маблағлар ҳисобига ягона солиқ тўладик, бироқ ушбу объект учун ҳақ тўланмади. 2007 йил мартда ҳужжатларни Тошкент шаҳар ҳўжалик судидаги буюртмачининг ҳисоб-китоб рақамига бердик ва ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори билан асосий қарз, суд харажатлари, пеняга – жами 27 000 минг сўмга инкассо тақдим этдик. Буюртмачининг ҳисобварағида пул маблағлари йўқлиги боис биз Суд қарорларини ижро этиш департаментига мурожаат қилдик.

2007–2009 йилларда биз солиқ инспекциясига солиқларга доир боқимондани ундиришда ёрдам бериш илтимоси билан мурожаат қилиб, солиштирма далолатномани тақдим этдик, бироқ солиқ инспекцияси қарздоримиз бюджет ташкилоти ҳисобланиши сабабли ундан қарзни сўзсиз тартибда ундириб бўлмаслиги хусусида ёзма жавоб берди (ҳолбуки Солиқ кодексининг 64-моддасида давлат юридик шахси ва хусусий шахс ажратилмаган).

2010 йил февралгача ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори бўйича бор-йўғи 7 600 минг сўм келиб тушди. Тўланмаган сумма қолдиғи 19 400 минг сўмни ташкил қилди. Бюджетга тўловлар бўйича боқимонда – 6 000 минг сўм.

Шу орада солиқ инспекцияси Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга (Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарорига илова) биноан бизни тугатиш тўғрисида огоҳлантирди.

2010 йил майда биз ҳўжатлар пакетини прокуратурага бердик. Фақат шундан кейин солиқ инспекцияси, Солиқ кодексининг 64-моддасига кўра, бир тарафлама имзоланган солиштирма далолатнома билан буюртмачининг ҳисоб-китоб рақамига инкассациялади.

Марҳамат қилиб жавоб берсангиз, биз 2005 йилда бажарган ишга ҳақ олиш учун яна қаерга мурожаат қила оламиз?

Ҳурмат билан МЧЖ директори ва бош бухгалтери.

– Сиз кечиктирилган дебиторлик қарзини ундириш бўйича барча асосий чораларни кўриб бўлгансиз. Бироқ куйидаги муқобил вариантлар мавжуд:

I. Агар сизнинг дебиторингиз давлат органи таъсис этган корхона ҳисобланса, сиз Давлат корхоналари тўғрисидаги низомнинг¹ 26 ва 31-бандларига ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонун (2003 йил 24 апрелдаги 474-И-сон Қонун таҳририда) 6-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳўжалик судига уни банкрот деб топиш ва ушбу таомил доирасида қарзни ундириш мақсадиди уни мажбурий тарзда тугатиш учун мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳўжалик судига сиз мустақил ёки прокуратура орқали мурожаат қила оласиз

(«Прокуратура тўғрисида»ги Қонун (2001 йил 29 августдаги 257-И-сон Қонун таҳририда) 7-моддасининг биринчи қисми).

II. Ташкилот – сизнинг дебиторингиз бюджет ташкилоти (давлат органи ёки давлат муассасаси) бўлган тақдирда, шубҳасиз, сизнинг ишларингизга тўланадиган пул маблағлари Молия вазирлиги томонидан Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибига² мувофиқ тасдиқланадиган ушбу ташкилот харажатлари сметасига киритилиши ва, тегишинча, давлат бюджетидан ушбу мақсадларга маблағлар ажратилиши керак. Агар пул ажратилган, лекин мақсадга кўра ишлатилмаган ёки мазкур пул маблағлари талон-торож қилинган бўлса, сиз кейинчалик:

¹ВМнинг 2006 йил 16 октябрдаги «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 215-сон қарорига 1-илова.

²ВМнинг 1999 йил 3 сентябрдаги «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 414-сон қарорига илова.

³Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссиясининг АВ томонидан 2005 йил 14 январда 1442-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.



Жинойт процессуал кодексининг 56 ва 57-моддаларига;

Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибининг² 38-бандига;

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 175-моддасининг учинчи қисми ва 175-2-моддасига;

Жинойт кодексининг 181 ва 184-1-моддаларига мувофиқ айбдор шахсларга нисбатан зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик даъвосини тақдим этган ҳолда жинойт (маъмурий) ишнинг қўзғатиш учун прокуратурага мурожаат қила оласиз.

Бироқ кечиктирилган дебиторлик қарзини ундиришнинг мазкур усуллари кўп вақт олиши, баъзан унчалик самара бермаслиги ва пировард натижа 100% кафолатланмаганлиги боис уларга амалиётда жуда кам мурожаат қиладилар.

Кечиктирилган солиқ тўловлари учун пенянинг кўпайишига йўл қўймаслик учун сиз Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдек пеня ва жарима санкцияларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги низомга³ мувофиқ солиқ тўловлари ва юзага келган неустойкани тўлашни кечиктириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисида ариза билан муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича минтақавий комиссияга мурожаат қилишингиз мумкин.



Хусусий корхона (ХХТУТ бўйича коди 71150) бутун Ўзбекистондаги харидорларга ташкилий техника учун сарфланадиган материалларни реализация қилади.

Товар импорт контрактлари бўйича ҳам, республика ичида ҳам харид қилинади. Реализация чоғида харидорга реализация қилинган товарга доир юхат ва ҳисобварақ-фактура берилади. Мижозларимиз уйларига бораётганда йўлда уларни турли давлат тузилмаларининг (ДАН, ИПХ, ДБК ва бошқа) ходимлари тўхтатиб, товарга доир БЮД нухасини кўрсатишни ҳам талаб қиладилар. Бундай ҳаракатлар қонунийми, биз харидорларимизга қандай ҳужжатлар беришимиз шарт?

ХК маъмурияти.

БЮД НУХАСИ БЎЛГАНИ ЯХШИ

– Ваколатли давлат органларининг ҳужжатларни текшириши қонуний, чунки уларнинг мажбуриятларига, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, амалдаги қонун ҳужжатларини эҳтимолий бузишларнинг (контрабанда ва бошқа) олдини олиш мақсадиди товарлар (юклар) муомаласининг қонунийлигини назорат қилиш қиради, йўл ҳаракати қоидаларининг³ 3.1-бандига биноан, механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси, хусусан, йўл варақаси ва ташилаётган юкнинг ҳужжатларини ёнида олиб юриши, милиция ходимлари талаб қилганда текшириш учун бериши шартдир.

Импорт қилинган ёки сиз республика ичида харид қилган товар сотилган тақдирда мижозларингиз уни ташиш чоғида куйидагиларга эга бўлишлари керак:

сиз ва мижозингиз ўртасида тузилган контрактнинг иккинчи нухаси;

сиз берган юхат (қабул қилиш-топшириш ҳужжати ёки шунга ўхшаш бошқа ҳужжат), унда ишончнома рақами ва уни бериш санаси кўрсатилади (Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомнинг⁴ 9-банди).

Бунда БЮДнинг бўлиши мажбурий эмас, бироқ товар вақтинча ушлаб қолинишига йўл қўймаслик учун, унинг қонунийлиги аниқланганича (назоратчиларда шубҳа-гумонлар туғилганда), шунингдек сиз импорт қилган товарлар текширилаётганда мижозларнинг маҳсулот олиб кириш чоғида сиз расмийлаштирган БЮД нухасини ҳам тақдим этишлари мақбулдир.

³ВМнинг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори билан тасдиқланган.

⁴Молия вазирининг АВ томонидан 2003 йил 27 майда 1245-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

ИМТИЁЗЛАР – ФАҚАТ ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТИТОР УЧУН

? Бизнинг МЧЖ ўз фаолиятини 16 йил мобайнида амалга ошириб келяпти. Ҳозирги вақтда жамият иштирокчилари таркибига хорижий корхона қабул қилиш масаласи ҳал қилиняпти.

1998 йил 1 апрелдан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга янги барпо этиладиган, Президентнинг 1996 йил 30 ноябрдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида» ПФ-1652-сон Фармони 1-банди билан белгиланган шартларга жавоб берадиган корхоналар киритилади, мазкур Фармонда янги барпо этиладиган, кўрсатилган шартларга мувофиқ келмайдиган корхоналарнинг хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга киритилмаслиги ҳамда белгиланган тартибда корхона жойлашган жойдаги туман ва шаҳарлар ҳокимликларида давлат рўйхатидан ўтказилиши кераклиги ҳам белгиланган.

Хорижий иштирокчи қабул қилиниши муносабати билан корхонамизнинг устав фонди 150 000 АҚШ долларидан кам миқдорни ташкил қилади ва устав фондида хорижий иштирокчининг улуши 40% бўлади. Бу ҳолда ҳам корхонамиз туман ҳокимлигида қайта рўйхатдан ўтказилиши керак. Корхонамиз қўшма корхона ёки хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона мақомига эга бўладими? Унга 1997 йил 29 августдаги «Бож тарифи тўғрисида» 470-1-сон Қонуннинг 33 ва 34-моддалари билан белгиланган имтиёзлар, хусусан – корхонанинг устав фондида киритиш учун чет эллик иштирокчи олиб қирадиган мол-мулкка божхона бож солишдан озод қилиш имтиёзи татбиқ қилинадими?

Газетхон.

– Сизнинг МЧЖ хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона мақомига эга бўлмайди, чунки у Президентнинг «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида» Фармони (1996 йил 30 ноябрдаги ПФ-1652-сон) 1-банди билан белгиланган талабларга жавоб бермайди.

Қўшма корхона мақомига келса, амалдаги қонун ҳужжатларида унинг аниқ таърифи берилмаган. Бироқ, ҳуқуқни қўллаш амалиётига кўра, шунингдек турли юридик ва иқтисодий изоҳли луғатларда келтирилган таъ-

рифлар маъносидан келиб чиқилганда, қўшма корхона деганда икки ёки ундан кўп иштирокчи томонидан биргаликдаги фаолият учун барпо этилган корпорация, ширкат, жамият ёки бошқа ҳўжалик юритувчи субъект тушунилиши керак. Ҳар бир иштирокчи улушли иштирокка мувофиқ қўшма корхона фаолияти натижаларининг бир қисмига ҳақли бўлади.

Юқорида баён этилган таърифга асосан корхонамиз қўшма корхона мақомига мувофиқ келади.

«Бож тарифи тўғрисида» Қонуннинг (1997 йил 29 августдаги 470-1-сон) 33 ва 34-

моддалари билан белгиланган имтиёзлар, хусусан, чет эллик иштирокчи томонидан олиб қирадиган мол-мулкка божхона бож солишдан озод қилиш кўринишидаги имтиёз фақат сизнинг хорижий иштирокчингиз – чет эллик инвестор татбиқ этилади. Чет эллик инвесторлар деганда, «Чет эл инвестициялари тўғрисида» Қонуннинг (1998 йил 30 апрелдаги 609-1-сон) 4 ва 5-моддаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестициялар (қўйилмалар)ни амалга оширадиган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

Жавобларни «Норма» МЧЖ эксперт-юристи Артём ОТСТАВНОВ тайёрлади.

МЧЖ иштирокчиси ўз улушини сотиш ниятида.
1. МЧЖ улушининг олди-сотди битими ижро этилаётганида харидорга устав капиталига янгидан киритиши мақсадида бериш учун унинг қийматини иштирокчиси сотувчи пул маблағлари (мол-мулк)ни натура ҳолида олиши шартми ёки улушга мулк ҳуқуқининг ўтишини ҳужжат билан расмийлаштиришнинг ўзи кифоя қиладими?
2. Улушни сотиш таомили қандай?

МЧЖ иштирокчиси.

– 1. Йўқ, шарт эмас. Иштирокчининг ўз улушини учинчи шахсларга сотишини мулк ҳуқуқни реализация қилиш деб қараш керак. Мулк ҳуқуқларни сотишга, Фуқаролик кодекси (ФК) 386-моддасининг бешинчи қисмига кўра, олди-сотди шартномалари тўғрисидаги қоидалар татбиқ этилади. Улушни бериш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча талабларга риоя этган ҳолда МЧЖ устав капиталидаги улушнинг (улуш бир қисмининг) олди-сотди шартномасини тузиш ва мулк ҳуқуқларни бериш етарлидир. Мулк ҳуқуқнинг амалда берилишини тасдиқлайдиган ҳужжат қонун ҳужжатлари билан бел-

эгаллигини унутмаслик лозим. Бундай ҳуқуқ, агар уставада мустақамланган бўлса, жамиятнинг ўзида ҳам бўлиши мумкин. Мазкур ҳуқуқнинг мақсади – жамиятда манфаатлар тенглигини сақлаш ва бизнесда чет кишиларнинг иштирок этишига йўл қўймаслик.

Сотувчи жамиятнинг барча иштирокчиларига ташқи харидорга таклиф қилинган шартларда улушни харид қилиши тўғрисида оферта юбориши шарт. Сотуш истаги тўғрисида хабардор қилиш шакли тартибга солинмаган, бироқ ҳужжатда шартнома тузиш режалаштирилаётган муҳим шартлар қайд этилиши керак. Қонун МЧЖ


Реклама



Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Сотиб олиш масалалари бўйича куйидаги манзилга мурожаат қилинг:
 Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майд., 10А-уй.
 Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29
 E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz



Бунга йўл қўймаслик учун харидор битим тузиш чоғида сотувчидан унинг юқорида кўрсатилган талаблар ва таомилларни бажарганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни талаб қилиши керак. Куйидагилар шундай ҳужжатлар ҳисобланади: жамият қолган иштирокчилари ҳаммасининг ёзма рад этишлари (эркин шаклда), иштирокчиларга улушни сотиб олиш таклиф қилинган хатлар юборилганлигини тасдиқлайдиган почта квитанциялари (яхшиси кўйилманинг рўйхати билан). Харид қилишга имтиёзли

ланс қиймати энг кам иш ҳақининг 4 000 баробари миқдоридан ортиқ бўлса ёки битим қатнашчиларидан бири товар бозорида устун маъқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъект бўлса ёхуд ушбу хўжалик юритувчи субъект фаолиятини назорат қилувчи бир гуруҳ шахслар сотиб олувчи бўлса, битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиниши зарур.

Юқорида кўрсатилган битимларни тузиш учун шахслар монополияга қарши давлат органига бундай

да, унинг ўтишини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этган ҳолда хабардор қилиш керак. Амалиётда бу шуни англатадики, жамиятнинг ижрочи органига тилхат олиб, улушнинг олди-сотди шартномаси нусхаси ёки сотувчи ва харидор биргаликда имзолаган ва ҳуқуқнинг ўтишидан хабардор қилдиган бошқа ҳужжатни бериш лозим. Буни шартнома имзоланганидан кейин дарҳол қилиш керак. Зеро харидор унга улушнинг сотиб олиниши берган ҳуқуқларни фақат бундай хабарни олганидан кейингина амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

6-ҚАДАМ. Устав, таъсис шартномасининг янги тахририни тасдиқлаш мақсадида жамият иштирокчиларининг **навбатдан ташқари умумий йиғилишини** албатта ўтказиш. Янги тахрирни тасдиқлаш иштирокчилардан бири алмашганлиги боис зарур. Навбатдан ташқари йиғилишни жамиятнинг ижрочи органи қақиради. Янги иштирокчи, агар у харид қилган улуш унга жамият иштирокчилари овозлари умумий сонининг камида 1/10 қисмига эга бўлиш ҳуқуқини берса, навбатдан ташқари йиғилишни чақиритиш талаб қилишга ҳам ҳақлидир. Бунда уни чақиритиш талабини ижрочи органга юборади. Уни олгач, ижрочи орган олган санасидан бошлаб 3 кун мобайнида кўриб чиқиши ва йиғилиш таомилини бошлаши шарт. Агар у буни қилмаса ёки йиғилиш ўтказишдан бош тортса, устав капиталининг 10 фоизига эга бўлган иштирокчи (ёки жамиятда 10 фоизга эга бўлган бир нечта иштирокчи) таомилни мустақил равишда бошлашга ҳақлидир (МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 32-моддаси).

7-ҚАДАМ. Таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш. Бунинг учун жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб 7 иш куни мобайнида уларни рўйхатдан ўтказган органга ўзлари келиб ёки почта алоқаси орқали куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ариза;

жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;

ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг тадбиркорлик субъекти муҳри билан тасдиқланган икки нусхаси; давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақида банк тўлов ҳужжати (Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 33-банди).

Тегишли ўзгартиришлар киритилганидан ва у расман тасдиқланганидан кейин улушни олиш жараёнини якунланган деб ҳисоблаш мумкин.

Елена ЕРМОХИНА,
«Норма» МЧЖ
эксперт-юристи.

МЧЖдаги УЛУШ: СИЗДАН БИЗГА ЎТДИ

гиланмаган. Бундай беришни МЧЖ устав капиталидаги улушни қабул қилиш-топириш далолатномаси билан расмийлаштириш мумкин. Улушни бериш (далолатнома бўйича ёки бошқа ҳужжатга кўра) тартиби шартнома билан белгиланади. Таъсис ҳужжатларига, улушнинг олди-сотди шартномаси ва уни бериш тўғрисидаги далолатноманинг нусхаларига киритилган ўзгартиришга асосан жамиятнинг бухгалтерия ҳисобида тегишли ёзувлар қайд этилади.

2. Улушнинг бошқа шахсларга ўтиш таомили «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг (2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сон, бундан кейин – МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 20-моддаси билан тартибга солинган. Ушбу таомилни қадамма-қадам кўриб чиқамиз.

1-ҚАДАМ. Жамиятнинг устав капитали тўланганлигини текшириш зарур. Жамият иштирокчисининг улуши тўлиқ тўланганга қадар бўлган даврда у фақат тўланган қисми бўйича бошқа шахсга ўтказилиши мумкин (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 20-моддасининг учинчи қисми). Устав капиталининг тўланмаган улушлари билан ҳар қандай битимлар ҳақиқий эмас.

2-ҚАДАМ. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларини диққат билан ўрганиш керак. Бу уларда қонуннинг диспозитив меъёрлари қандай акс эттирилганлигини аниқлаш учун зарур. Эътибор қаратиш лозим бўлган биринчи жиҳат – уставада МЧЖ тўғрисидаги Қонун 20-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидаларнинг мавжудлиги. Унга мувофиқ, агар жамият уставада тўғридан-тўғри таққиланмаган бўлсагина, улушни жамият иштирокчилари ҳисобланмаган шахсларга сотишга йўл қўйилади. Агар таққиланмаган бўлса, уставга тегишли ўзгартиришлар киритилгандан кейингина сотиш мумкин.

Битимни амалга ошираётганда жамият иштирокчилари улушни харид қилишда имтиёзли ҳуқуққа

иштирокчиларига мазкур таклиф хусусида йўлаб кўришлари учун бир ой беради (жамият устави ушбу даврни кўпайтириши ҳам, камайтириши ҳам мумкин). Харид қилиш истаги ёзма тарзда ифодаланиши ва кўрсатилган муддат тугашига қадар сотувчига юборилиши керак. Агар бир вақтда бир нечта иштирокчи улушни олиш истагини билдирган бўлса, шартномалар уларнинг ҳар бири билан тузилади. Бунда улуш улар ўртасида устав капиталидаги иштирокчиларига мутаносиб равишда бўлинади. Харид қилишнинг имтиёзли ҳуқуқини учинчи шахсларга беришга йўл қўйилмайди. Жамият устави уларни сотаётганда улушларни тақсимлашнинг бошқа тартибини ҳам назарда тутиши мумкин. Агар уставда жамият ҳам харид қилишнинг имтиёзли ҳуқуқига эгаллиги қайд этилган бўлса, оферта унинг манзилига ҳам юборилиши керак.

Улуш (улушнинг бир қисми) сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқи бузилган ҳолда сотилган тақдирда, жамиятнинг исталган иштирокчиси ёки жамият, агар жамиятнинг уставада улушни (улушнинг бир қисмини) сотиб олишда жамият имтиёзли ҳуқуққа эгаллиги назарда тутилган бўлса, сотувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи бундай бузилишни билган ёхуд уни билиши лозим бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида амалга оширилиши мумкин (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 20-моддасининг еттинчи қисми).

ҳуқуқ жамиятда ҳам бўлса, унинг ваколатли органи қарори ёки баённома зарур. Ушбу ҳужжатда мазкур ҳуқуқдан фойдаланиш рад этилганлиги тўғрисида маълумотлар бўлиши керак. Шуни ёдда тутиш муҳимки, агар қарор ваколатлардан четга чиқиб ёки мазкур масала бўйича ваколати бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса, харидор эга бўлган нарчасини бой бериш хавфига учрайди.

3-ҚАДАМ. Улушни харид қилиш битими монополияга қарши қонун ҳужжатларининг тартибга солиш доирасига туши ёки тушмаслигини аниқлаш зарур. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонун (1996 йил 27 декабрдаги 355-I-сон, бундан кейин – Рақобат тўғрисидаги Қонун) 15-моддасида бир қатор чеклашлар белгиланган. Улар куйидагилардан иборат.

Монополияга қарши давлат органининг олдиндан олинган розилиги билан хўжалик юритувчи субъектнинг илтимосномаси асосида куйидагилар амалга оширилади:

бир шахснинг (бир гуруҳ шахсларнинг) хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталидаги овоз ҳуқуқига эга бўлган улушларини олиши, бунда ушбу шахс (бир гуруҳ шахслар) мазкур улушларнинг ўттиз беш фоиздан ортигини тасарруф этиш ҳуқуқини олади;

тегишли битимда қатнашувчи шахслар активларининг жами ба-

битимларни тузиш учун розилик бериш ҳақида илтимоснома тақдим этишлари ва қарор чиқариш учун зарур бўлган ахборотни маълум қилишлари лозим.


Битим тузишга рухсат олиш муайян вақт олиши мумкин. Рақобат тўғрисидаги Қонун илтимосномани 30 кун ичида кўриб чиқиш муддатини белгилайди. Бироқ монополияга қарши органлар қўшимча ахборот сўрашлари мумкинлиги боис амалиётда ушбу муддат кўпроқ ҳам бўлиши мумкин. Монополияга қарши қонун ҳужжатларининг талабларини бузиш эса улушнинг олди-сотди битимини ҳақиқий эмас деб топишга сабаб бўлади.

Шунингдек битим суд томонидан манфаатдор шахс – сотувчи, харидор, жамият ёки монополияга қарши назорат органининг талабига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

4-ҚАДАМ. Шартномани имзолаш. Умумий қоидага кўра улушнинг ўтиши оддий ёзма шаклда амалга оширилади. Яъни тарафлар ягона ҳужжат тузиб, унга ўз имзоларини қўядилар ва уни почта, телеграф, телетайп, телефон ёки ҳужжат айна шартнома бўйича бир тарафдан келиб тушганлигини аниқ белгилаш имконини берадиган бошқа алоқа воситасида айирбошлайдилар. Тўғри, шуни таъкидлаш лозимки, амалиётда факс орқали олинган ҳужжатнинг келиб чиқишини судда исботлашда мушкулликлар юзага келиши эҳтимол. Бу электрон рақамли имзо қўлланмасдан e-mail орқали юборилган ҳужжатга ҳам тааллуқлидир. Ундан фойдаланиш тартибини «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонун (2003 йил 11 декабрдаги 562-II-сон) белгилайди.

Шартномага имзо чекишдан аввал жамият устави улушнинг ўтиши тўғрисида шартнома тузиш нотариал тасдиқлашни назарда тутиши-тутмаслигини текшириш зарур. Акс ҳолда – мазкур шаклга риоя этилмаган тақдирда битим ҳақиқий эмас деб топилади.

5-ҚАДАМ. Жамиятни улушнинг берилиши тўғрисида ёзма шакл-





Гараж-қурилиш кооперативи (ГКК), «Кооперация тўғрисида»ги Қонунга (1 ва 15-моддалар) мувофиқ, ўз мақомига кўра матлубот кооперативи ҳисобланади ва, ЎзР ФКга мувофиқ (73-модда), нотижорат ташкилотларига киради, шу сабабли у фойда, ободонлаштириш ва эҳтимой инфратузилмани ривожлантириш, ер, мол-мулк солиқларини тўлашдан озод қилинган. Биз маҳсулот ишлаб чиқармаймиз, чет ташкилотлар учун ишлар бажармаймиз ва хизматларни кўрсатмаймиз, ташкилотнинг асосий фаолият тури – ўз гаражлари (бокслари)дан фойдаланиш.

Боксларнинг эгалари ва улар оилаларининг аъзолари, дўстлари боксдан фойдаланадилар, ГКК кассасига нақд пул билан фойдаланиш бадалларини киритадилар, бадаллар банкка инкассация қилинади. Кооператив бошқарувида фойдаланиш бадалини ким тўлаётганининг фарқи йўқ, асосийси – унинг вақтида тўлашиши.

Жисмоний шахслар пул маблағларининг асосий қисми пластик карточкаларда жамланганлиги муносабати билан қуйидаги масалаларга доир тушунтиришлар беришингизни сўраймиз.

1. Бокс эгаси оиласининг аъзолари, шу жумладан бошқача фамилияли оила аъзолари, қариндошлари фойдаланиш бадалларини ўз пластик карталаридан унинг бокси учун (масалан, эр ўз хотинининг бокси, набира эса бобосининг бокси учун ва ҳоказо) бизнинг ҳисоб-китоб рақамимизга ўтказишлари мумкинми?

2. Фойдаланиш бадали бокс эгасининг ўз пластик карточкасидан тўланган тақдирда, шунингдек у оила аъзоси ёки унинг қариндоши томонидан киритилган ҳолда ГККга қандай ҳужжатлар тақдим этилиши керак?

Бошқарув раиси,
кооператив бош бухгалтери.


ЭГАСИ БЎЛМАСЛИГИНИЗ МУМКИН, БИРОҚ ИШОНЧНОМА БЎЛИШИ ШАРТ

– Пластик карточкалардан тўғри фойдаланиш масаласини газета саҳифаларида бир неча маротаба ёритган эдик. Бироқ саволлар келиб тушишда давом этаётганлиги боис яна ушбу мавзуга мурожаат қиламиз.

1. Қонун ҳужжатларида пластик карточка эгасининг бошқа шахслар учун хизматларга ҳақ тўлаши мумкинлиги очикдан-очик назарда тутилмаган, айна вақтда уларда бу чекланмаган ҳам. Бироқ Тижорат банклари томонидан банк карталарини чиқариш ва уларни Ўзбе-

диклайдиган ҳужжатни тақдим этишни талаб қилишга ҳақлисиз, бироқ бунга мажбур эмассиз.

Шахсни тасдиқлайдиган асосий ҳужжат бўлиб Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ҳисобланади (Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома** 2-банди). Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчисининг шахсий гувоҳномаси (ҳарбий билет) ҳарбий хизматчига унинг фақат ҳақиқий ҳарбий хизматда



кистон Республикасида муомалада бўлиши тартиби тўғрисида низомнинг* (бундан кейин – 1344-сон Низом) 7-бандига мувофиқ пластик картанинг эгаси оила аъзолари, яқин ва узоқ қариндошлари, дўстлари ва бошқа шахсларнинг ўз банк картасидан ишончнома асосида фойдаланишларига рухсат беришга ҳақлидир. Чунончи, агар набира бобосининг бокси учун ҳақ тўлашни хоҳласа, у ўз пластик картасидан фойдаланишга бобоси номига ишончнома расмийлаштириши мумкин, шунда бобосининг ўзи ҳам набирасининг пластик картаси билан бокс ҳақини тўлай олади.

2. 1344-сон Низомнинг 39-бандига мувофиқ сиз банк картаси тутувчисидан унинг шахсини тас-

бўлиш даврида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ўрнини босади (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг, битимга биноан ҳарбий хизматчининг шахсий гувоҳномалари ва захирадаги офицернинг гувоҳномаси тўғрисида низомнинг*** 3-банди). Захирадаги офицернинг гувоҳномаси фуқарога паспортнинг ўрнини босмайди.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар, яъни паспорт, ҳарбий хизматчи учун эса – шахсий гувоҳнома (ҳарбий билет) бошқаларнинг пластик картасидан фойдаланишга ишончнома тақдим этилганда кўрсатилиши керак.

Елена ЕРМОХИНА,
«Норма» МЧЖ
эксперт-юристи.

*МБ бошқарувининг АВ томонидан 2004 йил 30 апрелда 1344-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.

**ИВнинг АВ томонидан 1999 йил 9 апрелда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

***ВМнинг 2002 йил 15 февралдаги 55-сон қарорига 5-илова.

ЖАВОБГАРЛИК МЕЗОНИ

Суд ҳукм қилади...

ИШНИНГ МОҲИЯТИ

Банк қарз олувчига кредит берди. Кейинчалик акциядорлик жамиятига айлантирилган корхона кредит шартномаси бўйича кафил бўлди. Қарз олувчи пул маблағларини ўз вақтида қайтармади ва банк хўжалик судига АЖдан қарзни ундириш даъвоси билан мурожаат қилди. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан баёнот берилган талаблар тўлиқ қондирилди. Апелляция инстанциясининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгартиришсиз қолдирилди. Чиқарилган суд ҳужжатларига рози бўлмаган АЖ Олий хўжалик судига чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш илтимоси билан кассация шикоятти берди.

БАНКНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

Кафиллик шартномаси шартлари-га кўра АЖ қарз олувчининг кредит бўйича қарзини тўлиқ узиши керак.

СУДНИНГ ҚАРОРИ

Суд ҳайъати кассация шикоятдаги вазларни муҳокама қилиб, иш материалларини ўрганиб ва амалдаги қонунчилик қоидаларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

акциядорлик жамияти кафил корхонанинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган ва Фуқаролик кодекси (ФК) 292-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига кўра банк олдида қарз олувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бериши керак эди;

хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан қарз олувчи банкрот деб топилган, бу эса банк учун ундан кредит бўйича қарз суммасини ундиришни имконсиз қилиб қўйган;

ФК 293-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ кафиллик билан таъминланган мажбурият бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолда қарз олувчи ва АЖ банк олдида солидар жавоб берган-

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ПОЗИЦИЯСИ

АЖ кредит суммасини қарз олувчи томонидан қарзни узиш тўғрисидаги банк талаблари қондирилмаганидан кейингина қайтариши керак. Банк бундай талаб билан қарз олувчига мурожаат қилмаган.

лар, чунки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгарлиги назарда тутилмаган эди;

АЖ банк олдида қарз олувчи сингари ҳажмда жавоб берган, бунга фоизларни тўлаш, қарзни ва қарздор томонидан мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик юзага келтирган кредиторнинг бошқа зарарларини ундириш бўйича суд чиқимларини қоплаш киради;

кафиллик шартномасига кўра АЖ банкка асосий қарз суммасини қайтариши, фоизларни ҳамда тўловларни кечиктирганлик учун пеняни тўлаши керак эди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб ва Хўжалик процессуал кодексининг 187 ҳамда 189-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартиришсиз қолдириш тўғрисида қарор қилди.

ШАРҲ

филнинг жавобгарлиги ҳажми қарздор томонидан бажарилмаган мажбурият қисми билан чекланади.

ФК 293-моддасининг биринчи қисмига кўра башарти кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилмаган бўлмаса, кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар.

Суд томонидан кўрилган ишда кафиллик шартномаси шартлари билан кафилнинг кредитор олдидаги субсидиар жавобгарлиги назарда тутилмаган. Бинобарин, у қарздор билан биргаликда солидар жавобгар бўлиши керак.

ФК 252-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ солидар қарздорларнинг биридан тўлиқ қаноатланмаган кредитор ололмаган нарчасини бошқа солидар қарздорлардан талаб қилиш ҳуқуқига эга. Солидар қарздорлар мажбурият тўла бажарилмагунча бурчли бўлиб қолаверадилар.

ФКнинг 298-моддасида белгиланишича:

кафиллик билан таъминланган мажбурият бекор бўлгач; ушбу мажбурият кафилнинг розилигисиз жавобгарликнинг ошишига ёки унинг учун бошқа ноқулай оқибатларга олиб келадиган тарзда ўзгартирилган тақдирда;

кафиллик билан таъминланган мажбурият бўйича қарз бошқа

шахсга ўтказилганида, агар кафил янги қарздор учун жавобгар бўлиш ҳақида кредиторга розилик берган бўлмаса;

шунингдек кафил таъминлаган мажбуриятни бажариш муддати келганида кредитор қарздор ёки кафил таклиф қилган тегишли ижрони қабул қилишдан бош тортса;

шартномада кўрсатилган кафиллик муддати ўтганидан кейин кафиллик бекор бўлади.

Суд томонидан кўрилган низо материалларидан кўринишича, кредит шартномаси бўйича қарздор суднинг ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг (2003 йил 24 апрелдаги 474-И-сон Қонун таҳририда) 4-моддасига кўра, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади. Бинобарин, АЖ қарздор юридик шахснинг қарзини тўлиқ ҳажмда узиши шарт эди.

Суд амалиётини «Норма» МЧЖ эксперт юридик бўлими таҳлил қилди.

Реклама

NORMA Эксперт маълумотнома тизими

КОРХОНА ЮРИСТИ

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:

Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Х.Олимжон майдони, 10а-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

ХОДИМ СИНОВ МУДДАТИДА БЎЛГАНДА – I: МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗАМИЗ

Мутахассисни ишга қабул қилиш чоғида талабгорнинг касбий сифатлари ва хизматлари тўғрисида дипломлар, гувоҳномалар ва бошқа ҳужжатлар бўлишига қарамай, ходим ишни урдада олиб бериши ёки жамоага киришиб кетмаслиги хавфи ҳар доим бўлади. Бундай ҳоллар учун меҳнат қонунчилигида ходим билан меҳнат шартномаси тузиш пайтида иш берувчининг синов муддати белгилаш ҳуқуқи назарда тутилган.

Меҳнат кодекси (МК)нинг 84-моддасига мувофиқ дастлабки синов муддати ходимнинг топширилган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш ёки ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришининг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши мақсадида ўтказилади.

Шунингдек МКнинг 84-моддаси иш берувчи ишга қабул қилиш чо-

ғида синов муддатини таклиф қилишга ҳақли бўлмаган шахслар доирасини белгилайди. Булар – ҳомиладор аёллар; уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар; корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар; шунингдек олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида меҳнат шартномаси тузилган ходимлар.

МКнинг 85-моддасига мувофиқ дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас.

Мазкур материалда амалиётда энг кўп учрайдиган хатоликларни, шунингдек дастлабки синов муддати билан меҳнат шартномаси тузиш чоғида эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳатларни кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

1. СИНОВ МУДДАТИ ЁКИ МУДДАТЛИ МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

Амалиётда кўпинча дастлабки синов муддати белгиланган ҳолда номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузиш ўрнига иш берувчи муддатли меҳнат шартномасини тузади. Бироқ муддатли меҳнат шартномалари фақат МКнинг 76-моддасида белгиланган ҳолатлар бўлганлиги сабабли номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда тузилиши мумкин¹. Ходим билан муддатли меҳнат шартномасини тузишга қуйидаги ҳолатлар мавжудлигида йўл қўйилиши мумкин:

бажариладиган ишнинг тафсилотига кўра бажариш учун ходим олинган ишни маълум бир муддат ўтгандан кейин объектив сабабларга кўра давом эттиришининг имкони бўлмаслиги олдиндан маълум

бўлганда, яъни у муддатли характерга эга бўлади;

бажариш учун ходим олинган ишни бажариш шартлари. Бунда ишнинг ўзи доимий характерга эга бўлса-да, уни бажаришнинг шартлари ходим билан номуайян муддатга меҳнат шартномаси тузишга тўқинлик қилади (қонунларга мувофиқ ходимнинг иш жойи ва бошқалар сақланадиган меҳнат ва ижтимоий таътилларида бўлган вақтига бошқа ходимни ишга қабул қилиш);

ходимнинг манфаатлари, яъни у ёки бу ҳолатларга кўра муддатли меҳнат шартномаси тузилиши ходимнинг манфаатларига асосланган бўлганда;

МКда назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Шунингдек, МКнинг 76-моддасига

кўра, **муддатли меҳнат шартномалари** корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан тузилиши мумкин. Агар ходим билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси **юқоридаги талабларни ҳисобга олмаган ҳолда** тузилган бўлса, бундай ҳолда шартноманинг муддати ҳақидаги шартлари ҳақиқий эмас деб топилди, ходим эса ишга номуайян муддатга биринчи иш кунидан бошлаб қабул қилинган ҳисобланади.

Синов муддати белгиланган меҳнат шартномасини тузаётганда юқорида кўрсатилган талабларни эътиборга олиш учун зарурат йўқ, бу шартли меҳнат шартномасида кўрсатишгина муҳим.

2. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИДАГИ «СИНАШ» ШАРТИ

Ишга қабул қилиш чоғида меҳнат шартномаси матнига синов муддати тўғрисидаги қоғда киритилмайдиган ҳоллар учрайди. Бу ҳол кейинроқ, тегишли буйруқ

чиқарилган пайтда «қалқиб чиқадиган», бунга эса умуман йўл қўйиб бўлмайди. МК 84-моддасининг иккинчи қисмига кўра дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат

шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

3. ХОДИМНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ КАМСИТИШ УЧУН САБАБ

Синов муддати даврида баъзан ходимнинг иш ҳақи камайтирилади, бу шарт бевосита меҳнат шартномасида таъкидланади.

МКнинг 86-моддасига кўра,

дастлабки синов даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади. Агар корхона локал ҳужжатларида ходимларнинг

бундай тоифалари учун бошқа шартлар қайд этилмаган бўлса, улар синов муддати билан қабул қилинганликлари асосидагина уларнинг иш ҳақини камайтириш тўғри эмас.

МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР:

Корхона директори ходимга корхона ичида бир бўлинмадан бошқасига ўтказишда синов муддати белгилаши мумкинми?

– Йўқ, белгилай олмайди. Синов муддати меҳнат шартномаси тузилганидагина тайинланади (МКнинг 84-моддаси). Ички ўтказишда янги меҳнат шартномаси тузилмайди, балки ходимнинг янги меҳнат шароитларига мувофиқ кўшимча битим қабул қилинади.

Меҳнат шартномасида қайд этиб қўйилган ва буйруқда акс этган синов муддатини узайтириш мумкинми?

– Синов муддатини узайтириб бўлмайди, у фақат меҳнат шартномаси тузилган чоғда белгиланади (МКнинг 84-моддаси).

Биз ходимни 3 ойга синов муддати билан ишга қабул қилдик. У синовдан муваффақият билан ўтди, яна 3 ойдан кейин эса таътилга чиқиш тўғрисида ариза ёзди. Биз ходимга йиллик таътил бериш масаласини ҳал этаётганда синов муддатини ҳам ҳисобга олишимиз керакми?

¹Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида» 12-сон қарори 5-банди.

Реклама

Эксперт маълумотнома тизими
НОРМА ПЕНСИЯЛАР. НАФАҚАЛАР. ИМТИЁЗЛАР

- Пенсиялар тайинлаш ва тўлаш, шу жумладан айрим тоифадаги ходимларнинг пенсия таъминоти хусусиятлари.
- Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти механизмлари.
- Болалар учун нафақалар, имконияти чекланган шахслар, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар, кам таъминланган оилаларга нафақалар ва имтиёзлар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш ва тўлаш тартиби.
- Энг кўп бериладиган саволларга жавоблар.
- Пенсия ва нафақаларни ҳисоблашга мисоллар.
- Ижтимоий таъминотга доир меъёрий ҳужжатлар ва тушунтиришлар.

Харид қилиш учун олдиндан буюртманома ларни (998 71) 237-45-29 телефони ёки info@norma.uz электрон манзили орқали юборинг.

ПЕНСИЯМИ ЁКИ НОГИРОНЛИК НАФАҚАСИ?

Қуйидаги масалада ёрдам берсангиз. Қизим болаликдан ногирон (5 ёшдан бошлаб). 2008 йилда у махсус мактабни битирди, сўнгра имкониятлари чекланган шахслар учун махсус коллежни тугатгани тўғрисида диплом олди. Ҳозирча ишламайди. 16 ёшгача у ногиронлик нафақаси оларди, бироқ кейинроқ уни тўламай қўйишди, ваҳоланки ногиронлиги муддатсиз қилиб белгиланган. Бунинг сабабини иш стажий қиб деб тушунтиришди.

Қуйидаги саволларга жавоб берсангиз:

1) қизимнинг коллежда ўқиган даври стажга кирадими, агар кирса, ким унинг меҳнат дафтарчасини расмийлаштириши шарт?

2) ҳозир қизим пенсия олиш ҳуқуқига эгами, уни қайси даврдан олиши ва қандай ҳужжатларга эга бўлиши керак?

Ольга М.

– 1. Йўқ, ўқиш даври қизингизнинг стажига кирмайди, чунки «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун¹ (бундан кейин – Қонун) 37-моддаси биринчи қисмининг «е» банди ва иккинчи қисмига мувофиқ ўрта махсус ўқув юртларида кундузги ўқиш пенсия ҳисоблаб чиқариш учун стажга умумий иш стажига камида 5 йил бўлган тақдирдагина қўшиб ҳисобланади, бунда ходим давлат ижтимоий суғуртаси солинадиган ишда ёки бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланиши шартли билан бошқа фаолиятда (якка тартибдаги тадбиркорлик, фермер хўжалигини юритиш ва бошқалар) стажга эга бўлиши керак. Хатингиз мазмунидан келиб чиқилса, қизингиз унинг ўқиш вақти пенсия ҳисоблаб чиқариш мақсадида стажга киритилиши учун 5 йиллик мажбурий муддат давомида ишламаган.

Ўрта махсус ва касб-техника ўқув юртидаги ўқиш вақти диплом билан тасдиқланади².

2. Йўқ, мазкур пайтда қизингиз ногиронлик пенсиясини тайинлаш ҳуқуқига эга эмас. Умумий касалланиш оқибатида вужудга келган ногиронлик бўйича нафақа тайинлаш учун иш стажига зарур.

Чунончи, ногиронлиги 23 ёшга қадар бошланган шахслар учун ногиронлик бўйича тўлиқ пенсия тайинланиши учун камида 2 йил иш стажига бўлиши лозим (Қонуннинг 17-моддаси). Агар иш стажига 2 йилдан кам бўлса, пенсия мавжуд стажга мутаносиб тарзда тайинланади.

Сиз пенсия эмас, балки болаликдан ногиронларга нафақа олган бўлсангиз керак (чунки пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига зарур). 16 ёшдан ошган, тиббий меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЕК) томонидан болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари деб топилган, иш стажига эга бўлмаган шахслар, шунингдек 16 ёшгача бўлган ногирон болалар, нафақа олиш учун ҳуқуқ берадиган тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда, ойлик нафақа олиш ҳуқуқига эгалар. Нафақа уни тайинлаш учун мурожаат қилинган кундан бошлаб тайинланади. I ва II гуруҳ болаликдан ногиронларга нафақа ногиронликнинг бутун вақтига тайинланади. Ногирон болаларга нафақа тиббий хулоса билан белгиланган муддатга тайинланади. Уни тўлаш Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом³ билан тартибга солинади.

¹1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон.

²Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 1994 йил 11 майдаги «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунини рўйбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 249-сон қарорининг 12-иловаси) 10-банди.

³ВМнинг 1994 йил 24 июндаги 319-сон қарори билан тасдиқланган.

Жавобларни «Норма» МЧЖ юристи Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.

ЖЕК-ПОТ НЕГА ЎЙНАЛМАЯПТИ


? **Ассалому алайкум, ҳурматли таҳририят ходимлари. Биз газетангиз мухлисларимиз ва сизга савол билан мурожаат қилмоқчимиз. Ҳозирги пайтда 315 млн сўм жек-пот тўплаган «Ўзспортлото» ташкилотчилари, шунингдек жек-поти 220 млн сўмни ташкил қилган «Азия-лото» ташкилотчилари ўз фаолиятларини қачон давом эттирадилар? Ўз пулларимизни қандай қилиб қайтариб оламиз? Жавобни газетангизда чоп этсангиз.**

Доимий газетхон. Самарқанд шаҳри.

– Молия вазирлигининг маълум қилишича («Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 3 апрелдаги 65 (4980)-сонидан чоп этилган), «Sportlotto Ltd» МЧЖ ҚКга берилган, лотереялар¹ ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензиянинг амал қилиши тўхтатилган. Спортлото 36 дан 6² рақамли лотереясининг 402-«Спортлото 35 дан 7» рақамли лотереясининг 214-ўйин тиражларининг сотилган, бироқ ўйналмаган билетлари бўйича пул маблағларини қоплаш 2010 йил 12 апрелдан «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ филиалларининг

(эълонда уларнинг манзиллари ва телефонлари кўрсатилган. Хусусан, банкнинг Самарқанд филиали қуйидаги манзилда жойлашган: Самарқанд ш., А.Икромов кўч., 13, тел. (8-366) 233-80-16) омонат кассалари томонидан билет эгаларининг аризаларига кўра, улар билет, паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат тақдим этишлари бўйича амалга оширилади. «Sportlotto Ltd» МЧЖ ҚКнинг маълумотлар олиш учун телефонлари ҳам келтирилади: (8-371) 241-05-04, 244-33-26.

Кўрсатилган хабардан келиб чиқилса, номи келтирилган таш-



килот ўз фаолиятини давом эттирмаяпти, чунки унга берилган лотереяларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензиянинг амал қилиши тўхтатилган. Лотереялар ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг² (бундан кейин – 396-сон Низом) 22-бандига биноан, лицензияловчи орган ўйиннинг ўтқа-

зилишини тўхтатиб қўйиш ёки муддатидан олдин тўхтатиш ҳуқуқига эга.

396-сон Низомнинг 62-бандига кўра, лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб қўйилган ёки тўхтатилган ҳолларда лицензияловчи орган ташкилотчидаги мавжуд сотилмаган билетларни олиб қўйиши, сотилган (шу жумладан бошқа юридик ва жисмоний шахсларда тарқатишда бўлган) ўйин билетлари ҳамда тўловга тақдим этилган ютуқлар суммасидан ортиқ бўлмаган суммадаги пул маблағларини сўзсиз ундириб олиши, уларни ваколатли банкларда очилган


махсус ҳисобрақамларига ўтказиши мумкин.

Тарқатилган ўйин билетлари бўйича маблағларни қайтариш улар эгаларининг лицензияловчи органга ёки унинг ваколатли вакилига билетлар тақдим этилган аризалари асосида амалга оширилади. Маблағлар лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган миқдорларда ва муддатларда, махсус ҳисобрақамида жамланган суммадан келиб чиққан ҳолда қайтарилади. Билет эгаларининг маблағларни қайтариш тўғрисидаги аризалари фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган даъво аризаси муддатлари доирасида қабул қилинади. Фуқаролик кодексининг 150-моддасига кўра даъвонинг умумий муддати 3 йилни ташкил қилади. У тугагач, талаб қилиб олинмаган маблағ қолдиқлари республика бюджети фойдасига ундирилади.

Артём АДЕЕВ, «Норма» МЧЖ эксперт-юристи.

¹Лотерея – юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ихтиёрийлик асосида ўйин билетларини тарқатиш йўли билан жалб этишни назарда тутувчи таваккалчиликка асосланган ўйин, улар бўйича тушган маблағларнинг бир қисми ўйин қатнашчиларига буюм ёки бошқа ютуқлар ҳолида ўйин (тираж) натижаларига кўра тўланади.

²Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги «Пул-буюм лотереялари ўтказишни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 396-сон қарорига илова.



СОЛИКЛАР ОЛАМИДА

ЁШЛАР ВА МАСЪУЛИЯТ

Халол солиқ тўловчилар авлодини қилигидан тарбиялай бошлаш керак. Аини шу сабабли ёшларга солиқларни тўлаш, декларация ва бошқа қоғозларни тўлдириш ҳар доим ҳам мураккаб эмаслигини ўз вақтида тушунтириш лозим. Рязань вилояти бўйича федерал солиқ хизмати бошқармасининг ходимлари Рязань лицейларида иқтисодийётдан очик дарс ўтказишга қарор қилишганда худди шундай мулоҳаза юритдилар.

Борган сари кўпроқ рязанликлар жисмоний шахсларнинг даромадларига доир декларацияни электрон кўринишда топшираётганликлари боис лицей ўқувчилари учун аини ушбу ҳужжатни тўлдириш ўқув топшириғи бўлди. Вазифани мураккаблаштириш учун ўқувчиларга декларацияни демо-версияда эмас, балки тўлиқ функционал версиядаги махсус дастурда тўлдириш таклиф қилинди. Айтмоқчи, бу улар учун алоҳида қийинчиликларни туғдир-

ридан бири кейинроқ таъкидлаганидек, декларацияни тўлдириш чоғида энг мушкул ҳолат СТИР билан боғлиқ бўлган. «Рақамлари ҳаддан ташқари кўп, – деди ўқувчи қиз, – кўзлар қамашиб кетади».

«АСЬКА» ЁРДАМГА КЕЛДИ

Россиялик солиқчилар солиқ декларацияларини тўлдириш ва топширишни имкони борича соддалаштиришга ҳаракат қилиб, ўз тарғиботларида замонавий технологиялардан борган сари кўпроқ фойдаланяптилар.

Телевидение ва босма ОАВлардаги тарғибот-ташвиқот ишлари сафига ICQ орқали мулоқот келиб қўшилди. Ушбу усулнинг мақбул жиҳатлари яққол кўзга ташланади: барча зарур ахборотни бирламчи манбадан олиш мумкин, шу сабабли унинг ҳаққонийлиги хусусида шубҳаланишга ўрин йўқ. Очик эшиклар кунлари солиқчилар учун меъёрга айланиб қолди, янгилар тасмалари муайян бир минтақада инспекторлар солиқ тўловчилар билан учрашиб, кўплаб саволларга жавоб беришганлигини маълум қиляпти. Бироқ ҳозирги ишбилармон кишиларнинг ҳар доим ҳам бундай тадбирга боришга иложлари бўлмайди. ICQдан эса деярли ҳамма фойдаланади, бунда бирор жойга боришга ҳожат ҳам йўқ.

Аини шу сабабли ҳам кировлик солиқчилар интернет-чатда «очик мулоқот» ўтказишга қарор қилдилар. Соат 13.00 дан 15.00 га қадар солиқ тўловчилар ФСХ бошқармаси ходимлари билан «аська» орқали мулоқот юритиш имкониятига эга бўлдилар. Унинг рақамини кировликлар, шубҳасиз, сақлаб қолишлари керак. Зеро агар эксперимент муваффақиятли деб эътироф этилса, мулоқот ҳали кўп давом этади. Солиқчилар билан барча хоҳловчилар мулоқот қилиш имкониятига эга бўлишди, уларнинг саволлари асосан жисмоний шах-

сларнинг даромадидан олинадиган солиқни тўлашга тааллуқли бўлди.

СОЛИҚ ТАЪТИЛЛАРИ

Россиянинг соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида ишлаётган компаниялари 2020 йилгача солиқ таътиллари оладилар.

Бу ҳақда РФ бош вазири Владимир Путин жорий йилнинг мартидаёқ, Кичик ва ўрта бизнес бўйича Бутунроссия анжуманида айтди.

Олий ўқув юртлари ва илмий марказлар барпо этадиган кичик татбиқ этиш корхоналаридан солиқ солишининг соддалаштирилган тизимига ўтишга тўсқинлик қилувчи чекловлар олиб ташланади.

ПОРТУГАЛИЯНИНГ «ИНҚИРОЗ» СОЛИҒИ

Португалияда иқтисодий тушқунлик шароитида давлат харажатларини камайтириш учун янги солиқ – компаниялар ва иш ҳақиға нисбатан «инқироз» солиғини жорий этишга қарор қилинди.

Маъмурларнинг тахмин қилишларича, янгиларнинг жорий этилиши натижасида ҚҚС 1%га ошиб, 21%га етади, даромад солиғи эса 1,5% пунктга кўлаяди. Корпоратив солиқ 2,5% ошади ва 27,5%га тенг бўлади. Бундан ташқари, иш ҳақининг 5%га пасайиши кутиляпти.

Ҳукумат режаси туфайли Португалия бюджет камомадини 2010 йилдаёқ ЯИМнинг 7%ига, 2013 йилда эса 2,8%га қадар қисқартира олиши кутиляпти.


ОТҚИНДИЛАР 3,5 МИЛЛИАРД ЕВРО КЕЛТИРАДИ

Тегишли қонун лойиҳасининг дастлабки варианты Конституциявий кенгаш томонидан рад этилгач, Франция президенти Николя Саркози карбо-

нат ангидрид газининг отқиндиларига янги солиқни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ваъда қилди.

Унинг айтишича, солиқ 2010 йилнинг 1 июлидан амал қила бошлайди. Унинг тушумлари йилига 3,5 миллиард евро ни ташкил этади, бу пулларни энергияни тежаш технологияларини жорий этишга йўналтириш режалаштириляпти. Агар қонун қабул қилинса, Франция бундай йиғим мавжуд бўлган дунёнинг энг йирик иқтисодийётига айланади.

Дастлаб карбонат ангидрид газини отқиндиларига солиқни 2010 йилнинг 1 январидан жорий этиш режалаштирилган эди. Бироқ Франциянинг Конституциявий кенгаши ўтган йил охирида бундай қарорга қарши чиқди. Қонун лойиҳасида ҳаддан




ташқари кўп истисноларнинг мавжудлиги Кенгашнинг норози бўлишига олиб келган. Чунончи, отқиндиларга доир квоталарнинг Европа олди-сотди тизимига киритилган қарийб мингта корхона ва ташкилот солиқ тўлашдан озод қилинган. Кенгаш мамлакатдаги саноат отқиндиларининг 93 фоизига солиқ солинмайди деган хулосага келди.

Солиқнинг дастлабки кўринишини турли сиёсий ҳаракатлар танқид қилиб чиқдилар. «Яшиллар» партияси, мисол учун, йиғим миқдорини кўпайтиришни талаб қилди, француз сўллари у оддий истеъмолчиларнинг аҳволини ёмонлаштиради деб баёнот бердилар.

Хорижий матбуот материалларидан.



мади, беш дақиқа ўтмасданок ўқувчилар тайёр ҳужжатларни топшира бошлашди. Топшириқни бажарган лицей ўқувчила-



TOP

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 33 (266) 2010 йил 31 август



SANAY Co.Ltd

«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

КАФЕЛЬ


сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай усқунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган


Тошкентдаги
омбордан сотилади

Тўлов – исталган
шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани,
Султонали Машҳадий кўч., 210
(мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел.: 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН БИРИ





АНДИЖОН КАБЕЛЬ ЗАВОДИ



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА СИФАТ ВА КАФОЛАТ



Тошкент ш., М.Жалил кўч., 92. Тел.: (99871) 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

Chevrolet NIVA

Ҳақиқий внедорожникнинг янги тури

Товар сертификатланган



H512

Расмий дилер: «Sanar» хусусий корхонаси www.sanar.uz
Манзил: Тошкент ш., Ҳ.Умаров кўч. (мўлжал – Жанубий вокзал, кичик ҳалқа йўли)
Тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87



Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 18 августдаги 10-1017/13675-сонли ажримига асосан Мирзо Улуғбек туманидаги «GAVAR TEKSTIL» ШК, 10-1017/13674-сонли ажримига асосан «АКТИВ МАНТЈ» МЧЖ, 10-1017/13676-сонли ажримига асосан «SIB ZILOL NUR» ШК ҳамда 10-1017/13677-сонли ажримига асосан «ART-GAZ-QURILISH» МЧЖ бўйича банкротлик иши кўзғатилган. Мазкур корхоналар кредиторларининг 1-йигилиши 2010 йил 2 сентябрь куни Мирзо Улуғбек туман ДСИ биносидида (Э.Атаханова кўчаси, 314-уйда) соат 10.00 да ўтказилади. Банкротлик иши 2010 йил 3 сентябрь куни соат 11.00 дан 11.15 гача Тошкент шаҳар хўжалик суди биносидида (Тошкент ш., Чўпон ота кўчаси, 6-уй) 1-сонли суд залида бўлиб ўтади. Ушбу корхоналарнинг дебитор ва кредиторлари судда қатнашиш ҳуқуқига эга. Тел. 262-17-82.



ART MEBEL GROUP

Офис ва уй учун

МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Мақбул нархларда
шинам муҳит ҳосил қилинг!!!

Фирма мебель салонларимиз:

1. Тошкент универмаги (собиқ МУМ) – 3-қават
2. Беруний кўч., Б-1, 2-уй, 1-секция (мўлжал – «Ғунча» кинотеатри, «Тинчлик» м.б.)



Тўлов – исталган шаклда
Товар сертификатланган

Тел./факс: (+99871) 244-86-31, 244-59-54, (+99898) 310-20-77 www.art-mebel.uz

«Интеграл стар» ХК таклиф қилади

ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов – исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

«UNIKS-STAR» МЧЖ

НАСОСЛАР

чуқурликлар учун ЭЦВ 4, 6, 8, 10 туридаги дренаж учун ГНОМ туридаги К туридаги, Консоль

ВК туридаги, Вихрли ЦМК туридаги фекаль «Андижанец» насоси

«КАСКАД» КЎЗ

Товар сертификатланган

ТЕЛ.: 253-97-60, 188-98-38, WWW.NASOS.UZ

ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сонли гувоҳномаси.
28.03.2008 йилдаги 00642-сонли лицензия.

«AMIR-AUDIT» МЧЖ

- Ҳамма турдаги аудиторлик хизматлари
- Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Устав капиталимиз - Ҳардаги 5000 ЭКИХдан ортук

САР сертификатига эга
аудиторлар керак.

Тел.: 409-04-23. Факс: 294-77-48

«Аудит-ВАРН» МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БУТУН
ХУДУДИДА, БҲМС ВА МҲХС
БЎЙИЧА ИСТАЛГАН ТУРДАГИ

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИ
ЎТКАЗАДИ

2008 йил 16 майдаги 000172-сон лицензия

Тел.: 8(371) 2762099,
уяли: +998971192248

Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 42
Тошкент зил., тел. +998974541664

«NAZORAT-AUDIT» МЧЖ

аудиторлик ташкилоти

МВнинг 28.07.2008 йилдаги 00067-сон лицензияси

Барча хўжалик юритувчи
субъектларнинг аудиторлик
текширувлари

Хизматлар халқаро
малакага эга аудиторлар
томонидан кўрсатилади

e-mail: nazorat_audit@mail.ru
8-371-2794716, +99897 402-05-00
+99899 258-57-97, +99897 340-98-62
8-371-2794401

РЎЙХАТЛАР

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2010 йил 26 августдаги 10-1014/14373-сонли ажримига асосан Юнусобод туманидаги «GRAND MIR BIZNES» МЧЖга нисбатан банкротликнинг кузатув таомили жорий қилинган. Муваққат бошқарувчи этиб М.Қурбонов тайинланган. Кредиторларнинг 1-йигилиши 2010 йил 20 сентябрь соат 15.00 да Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биносидида, 2-қават, 17-хонада ўтказилади. Суд муҳокамаси 2010 йил 6 октябрь соат 14.00 да Тошкент шаҳар хўжалик суди биносидида (Чўпон ота кўчаси, 6-уйда) 4-сонли мажлислар залида кўрилади. Ушбу корхонага нисбатан талаб ва таклифлар Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 95-уй, Юнусобод туман ДСИ биноси, 2-қават, 17-хонада қабул қилинади. Тел. 235-74-88.

ЭЪЛОНЛАР

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари.*

Тел.: 370-63-06, 263-77-29.

ХИЗМАТЛАР

Ноутбукларни таъмирлаш, принтерларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.

Тел. 903-73-93.

Компьютерлар ва ташкилий техникани дастурий ва техник таъмирлаш.

Тел.: 102-72-98, 244-58-12.

Лазерли принтерларни таъмирлаш ва тўлдириш. Жойига чиқиш билан.

Тел. 337-59-17. Анатолий.

Видео-, фотосуратга олиш.*

Тел. (+99897) 709-20-17.

*Хизматлар лицензияланган.

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1
E-mail: sbxaxbor@mail.ru

Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.
Тахририят оғоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслаҳатчи» да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида «ТОПРИНТ» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 701. Алади 4270. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2010 йил 27 августда соат 19.30 да топширилади.
ISSN 2010-5223